

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Спортни ривожлантириш  
вазирлиги



А.Икрамов

“ ” 2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ўзбекистон Миллий  
Паралимпия қўмитаси



раиси

М.Ташходжаев

“ ” 2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги  
директори



А.Саъдуллаев

“ ” 2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Тиббий-ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлиги  
директори



А.Инаков

“ ” 2022 йил

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат  
килувчи жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган  
ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш**

**Н И З О М И**

Тошкент - 2022 йил

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

Мазкур низом ногиронлиги бўлган ёшлар (кейинги ўринларда ёшлар деб юритилади) ўртасида спортнинг “Пара енгил атлетика”, “Пара шахмат”, “Пара шашка”, “Пара стол тенниси” ва “Пара кибер-спорт” турлари бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларни мақсади ва асосий вазифалари ва мусобақаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш, уларни ўтказишга раҳбарлик қилиш, молиялаштириш, шунингдек, мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

**II. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 19-январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори, 2022-йил 11-апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201-сон қарори ҳамда Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2022-йил 30-июлдаги йиғилиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

2. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 16-30 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида “Беш ташаббус олимпиадаси”ни тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослашув жараёнини тезлаштириш ҳамда оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш соғлиғидаги мавжуд нуқсонларини инобатга олган ҳолда ҳамда касаллиги йўл қўядиган спорт билан мутазам шуғулланишлари учун механизм яратиш.

3. Худудларда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш орқали айниқса, қишлоқ жойларда ногиронлиги бўлган ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, шунингдек ёшларни ўз тенгқурлари билан мулоқотда уларнинг мослашув жараёнини ҳамда ўзаро мулоқотларини шакллантириш мақсадида худудий жамоаларни шакллантириш.

4. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали, улар орасидан иқтидорли ҳамда туғма истеъдоди бор ногиронлиги бўлган ёшларни саралаш орқали спорт, таълим муассасаларида мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун жалб қилиш орқали 2 минг нафар ногиронлиги бўлган

ёшларнинг оммавий спорт тадбирлари билан қамраб олинишини таъминлашдан иборат.

### III. Мусобақаларни ташкил этиш босқичлари

5. “Беш ташаббус олимпиада” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган 16-30 ёшли иштирокчилар ўртасида ўтказилади.

6. “Беш ташаббус олимпиада” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида икки босқичда ўтказилади.

**1-босқич:** жорий йилнинг **ноябр ойида** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилади.

**2-босқич:** жорий йилнинг **декабр ойида** республика финал босқичи Тошкент шаҳрида ташкил этилади.

7. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларида (*худудий босқич*)ларда ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар республика финал босқич мусобақаларида иштирок этишига рухсат берилади.

Бунда, ушбу талабларга риоя қилмаган куйи босқич мусобақаларида иштирок этмаган жамоалар (*якка спортчилар*)нинг республика финал босқич мусобақаларида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Худудий босқичларда юқори кўрсаткичга эга бўлган спорт унвони ва разряди бўлган (*1-2-3 катталар спорт разряди, спорт усталигига номзодлар, спорт усталари ва халқаро тоифадаги спорт усталари ва профессионал*) спортчиларнинг спорт мусобақаларида иштирок этишлари қатъиян таъқиқланади.

Шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда ушбу жамоаларнинг натижалари бекор қилинади ва мусобақалардан четлаштирилади.

Бунда: 1-2-3 ўсмирлар разряди мавжуд бўлган ногиронлиги бўлган ёшлар ушбу спорт мусобақаларда иштирок этишларига рухсат берилади.

### IV. Мусобақаларни ўтказиш тартиби

#### **1. “Пара енгил атлетика” спорт тури:**

Мусобақа Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг амалдаги коидалари асосида ўтказилади.

1. Мусобақалар якка тарзда, 16-30 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилади.

2. Ҳар бир жамоада 1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола иштирокчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

3. Мусобақалар якка тартибда, ўсмирлар ўртасида 400 метр масофага югуриш, аёллар ўртасида 300 метр масофага югуриш бўйича ўтказилади.

4. Мусобақаларнинг республика финал босқичида худудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган **2 нафар** ғолиб иштирок этади.

## **2. “Пара шахмат” спорт тури:**

Мусобақалар Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан тасдиқланган амалдаги қоидалар асосида эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилади.

1. Мусобақалар Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан тасдиқланган амалдаги қоидалар асосида 16-30 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилади.

2. Ўйинлар олимпия дастури бўйича ўтказилади ва мағлуб бўлган спортчилар мусобақани тарк этади.

3. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари якка таркибда (шахсий) ҳисобда аниқланади. Мусобақада 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар иштирок этади.

4. Мусобақаларнинг республика финал босқичида ҳудудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган **2 нафар** ғолиб иштирок этади.

## **3. “Пара шашка” спорт тури:**

Мусобақалар Ўзбекистон шашка федерацияси томонидан тасдиқланган амалдаги қоидалар асосида 16-30 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилади.

1. Ўйинлар олимпия дастури бўйича ўтказилади ва мағлуб бўлган спортчилар мусобақани тарк этади.

2. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари якка таркибда (шахсий) ҳисобда аниқланади. Ҳар бир иштирокчи учун 20 минутдан вақт назорати берилади. Мусобақада 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар иштирок этади.

3. Мусобақаларнинг республика финал босқичида ҳудудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган **2 нафар** ғолиб иштирок этади.

## **4. “Пара стол тенниси” спорт тури**

Мусобақалар Ўзбекистон Стол тенниси федерациясининг амалдаги қоидалари асосида 16-30 ёшли ўғил бола ва қизлар ўртасида ўтказилади. Мусобақалар яккалик бахсларидан иборат.

1. Ўйинлар олимпия дастури (плей офф) тизимида ўтказилади. Мағлуб бўлган иштирокчи мусобақани тарк этади. Мусобақада 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар иштирок этади.

2. Мусобақаларнинг республика финал босқичида ҳудудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган якка таркибда (шахсий) спортчилар иштирок этади.

3. Мусобақаларнинг республика финал босқичида ҳудудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган **2 нафар** ғолиб иштирок этади.

## **5. “Паракиберспорт” мусобақаси:**

Киберспорт мусобақаси 16-30 ёшли эркак ва аёллар ўртасида ўтказилади. Мусобақада 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар иштирок этади. Делегация таркибига 1 нафар мураббий киритилади.

1. Ўйинлар туман марказларида мавжуд киберспорт марказлари томонидан ўйин учун тақдим этилган компьютерларда ўтказилади. Мусобақа куйидаги киберспорт турлари бўйича ташкил этилади:

2. “ФИФА22”- кибер спорт тури бўйича киберфутболчилар ЛАН ҳамда онлайн режимда беллашишади. Ўйин Плай Статион 4 ёки Плай Статион 5 ўйин

платформасида ўйналади. Худудий босқичда 3 та ғалабагача ўйнашади, Республика финал босқичида 5 та ғалабагача ўйналади.

3. Мусобақаларнинг республика финал босқичида худудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган **2 нафар** ғолиб иштирок этади.

## **V. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш**

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари мазкур низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш учун, Спортни ривожлантириш бош бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги худудий бошқармаси ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги худудий бўлими масъул ҳисобланади.

2. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларида иштирок этиш учун жамоаларни шакллантириш ва иштирокини таъминлаш Спортни ривожлантириш бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги худудий бошқармалари (ёшларнинг ногиронлиги ҳамда соғлиғидаги мавжуд нуқсонларга асосан берилган тавсияномасига асосан) ва спорт мактаблари тренерлари зиммасига юклатилади.

3. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари худудий босқичида иштирок этиш учун жамоаларни келиб кетишлари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

4. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларини аниқлаш мусобақа қоидалари ва мазкур низом асосида амалга оширилади.

## **VI. Мусобақаларда иштирок этадиган жамоалар таркиби**

1. Мусобақалар спорт турлари бўйича мусобақа қоидалари ва мазкур низом асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

2. Спорт мусобақаларида худуд номидан 16-30 ёшдаги ногиронлиги бўлган эркеклар ва аёлларни иштирок этишига руҳсат берилади.

## **VII. Мусобақа ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш тартиби**

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари шахсий (яккалик) биринчилик якунлари бўйича тақдирланади.

2. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорлар қуйидагича тақдирланади: вилоят

(худудий) босқич мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларга вилоят (худудий) хокимликлар, вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармалари ва Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари томонидан 1, 2, 3-даражали дипломлар ва эсдалик совғалари ажратилади.

3. Республика финал босқичида спортни ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 1, 2, 3-даражали дипломлар, медаллар ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

4. Республика финал босқичида ғолиб ва совриндор бўлган жамоалар ҳамда якка тартибдаги спортчиларни Ёшлар ишлари агентлигини, Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Бунда ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларга Ташкилий кўмитанинг қарори билан пул мукофотлари берилиши мумкин.

6. Барча спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, раҳбарлик қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ташкилий кўмита томонидан ва ҳомий ташкилотлар томонидан спорт мусобақаларининг номинатсиялари бўйича (ғалабага бўлган иродаси учун, энг яхши техникаси учун, спорт тадбирларни тайёрлаш ва мусобақа ўтказишдаги фаол иштироки учун, оммавий спортни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун) ташаккурнома тақдим этилиши мумкин.

## **VIII. Мусобақани молиялаштириш**

1. Худудий босқич мусобақаларини очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар худудий хокимликлар томонидан, республика (финал) босқич мусобақалари Ёшлар ишлари агентлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси томонидан молиялаштирилади.

2. Мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

3. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш учун, спорт иншоотлари, тегишли спорт жиҳозлари, ҳакамлар таркиби билан таъминлаш, худудий Спортни ривожлантириш бош бошқармалари томонидан таъминланади.

## **IX. Талабномаларни бериш тартиби ва муддати**

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари иштирокчиларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги туман бўлими томонидан ҳар бир иштирокчи учун тегишли ҳужжатлар (шахсни тасдиқловчи

хужжат, 3x4 ҳажмдаги сурат, соғлиғида мавжуд нуқсон ҳамда ТИХРА тегишли бўлими томонидан берилган тавсиянома) спорт турлари бўйича мусобақалар бошланишидан 3 кун олдин ҳудудий спортни ривожлантириш бошқармасига тақдим этилади. Талабномалар асл нусхаси мусобақалар ўтказиладиган куни мандат комиссиясига тақдим этилиши шарт.

2. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари иштирокчилари рўйхатини иловада белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва ҳудудий Спортни ривожлантириш бошқармаси шакллантиради, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади ва тасдиқланади.

3. Рўйхатда спортчи, тренерлар, спорт жамоалари раҳбарлари бўлиши шарт (1-жадвал).

4. Жамоа аъзоларининг йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, мусобақа ўтказиш жойларида одоб ахлоқ қоидаларига амал қилишларига жамоа раҳбари масъул ҳисобланади.

5. Республика финал босқичида иштирок этадиган жамоалар мусобақа бошланадиган куннинг биринчи куни соат **22-00 қадар** мандат комиссиясидан ўтишлари шарт.

6. Мандат комиссиясига белгиланган муддатда етиб келмаган жамоаларнинг “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларида иштирок этишларига руҳсат берилмайди.

## **Х. Низоларни ҳал этиш**

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақалари иштирокчилари томонидан низом талаблари бузилган ҳолларда, мусобақада иштирок этаётганларнинг натижаси бекор қилиниб, ушбу иштирокчилар мусобақадан четлаштирилади.

2. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш жараёнида (иштирокчи томонидан) мусобақаларни ўтказиш учун тўсқинлик қилинган ҳолларда, иштирокчи томонидан келиб чиқадиган барча норозилик бўйича ёзма равишдаги мурожаатлар мусобақа тугагандан сўнг **1 соат** муддатда бош ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилиши шарт.

3. Бош ҳакамлар ҳайъати томонидан норозилик бўйича ёзма равишда тақдим этилган мурожаатлар 24 соат (1 сутка) ичида кўриб чиқилиб, ушбу ҳолат бўйича ҳуқуқий баҳо берилади. Мусобақалар яқунлангандан сўнг оғзаки ёки ёзма равишдаги норозилик бўйича мурожаатлар ва ҳар қандай шикоятлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

## XI. Якуний қоидлар

1. Спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан спорт мусобақалари низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Спорт мусобақаларининг барча босқичлари мусобақалар ўтказиладиган ҳудуддаги давлат тасарруфидаги ва хусусий спорт иншоотларида ўтказилади.

2. Спорт мусобақаларининг барча босқичи даврида ҳудуд жамоаларининг спортчилари тренерлар ва бириктирилган раҳбарларининг жавобгарлиги остида бўлади.

3. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича спорт мусобақаларининг ҳар бир босқичида иштирок этувчи барча ногиронлиги бўлган ёшлар:

- махсус спорт кийимларида бўлишлари;
- ўз рақибларига ва ҳакамларга нисбатан ҳурматда бўлишлари, ҳалол ва адолатли тамойиллар асосида кураш олиб боришлари, спорт мусобақаларини ўтказиш маданиятининг бузилишига йўл қўймасликлари керак.

4. Ҳудудларда ташкил қилинган спорт турлари бўйича мусобақа иштирокчилари тиббий кўрикдан ўтган бўлишлари шарт.